# Қадимги шишасозлик – маданиятимиз кўзгуси

**Миллат ва тарих**

Улуғ ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллик тантаналари пайтида ўтмишимизнинг жонкуяр тарғиботчиси, миллий мерос ва қадриятларимизни қайта тиклаш соҳасидаги улкан ишларнинг ташаббускори бўлган юртбошимиз Ислом Каримов қадимги Қува шаҳристонида бўлдилар. У ерда Ўрта Осиёнинг энг қадимий ва йирик шаҳарларидан бири бўлган Қубо харобаларидан топилган маданий ёдгорликлар билан танишиб ҳар бир осори-атиқалар ҳақида қимматли фикр ва мулоҳазалар билдирдилар. Жумладан ер остидан топилган XI асрларга оид нафис ва ажойиб шиша идишлар ва буюмлар билан танишар экан Президентимиз бу топилмалар аждодларимизнинг узоқ тарихидан ва юксак маданиятидан дарак берувчи мезон, деб юқори баҳоладилар. Шу билан бирга бу ҳунармандчилик ўрта асрларда эмас, балки бизнинг ватанимизда эрадан олдинги 1 минг йилликлар даврида юзага келган бўлиб асрлар оша такомиллашиб ривожланган ва ўрта асрларга келиб юқори поғонага кўтарилган деган фикрни ўртага ташладилар. Ҳақиқатдан ҳам шундай, шиша буюмлар инсониятни жуда қадим-қадим замонлардан ўзига мафтун этиб келган. Бунинг сабаби шундаки, дунёда бор бўлган табиий ва сунъий материаллар орасида ўзининг энг ноёб хусусиятлари бўлмиш шаффофлик ёки тиниқлик ва ташқи муҳит таъсирига ўта чидамлилиги билан унга тенг кела оладиган бирорта модда ёки ашё йўқ. Унинг бу хусусиятлари узоқ-узоқ замонлардан бошлаб жуда кўплаб шоиру-олимларни диққат-эътиборини ўзига тортган, кўплаб асарлар ёзилишига сабаб бўлган.

Ҳунармандчиликнинг бу соҳаси ривожланишига Ватанимиз ҳудудида етишиб чиққан усталар қўшган ҳисса каттадир. Шу сабабли бу масалани ўрганиш орқали инсоният тарихи ва маданиятининг кўпгина муаммоларини ҳал қилиш мумкин. Энг аввало шишасозлик соҳаси юзага келиши учун маълум шарт-шароитлар яратилиши ва амалий билим ва тажрибалар тўпланган бўлмоғи зарур. Айниқса ўша маконда шиша ҳосил қилиш учун зарур бўлган хом ашёлар, минерал буёқлар, ўтга чидамли тупроқ ва лойлар, 1000°С дан юқори бўлган ҳароратни берувчи махсус хумдонлар бўлмоғи зарур. Бундай имкониятлар ҳамма ерда ҳам бирдай топилган эмас ва шу сабабли шишасозлик турли мамлакатларда турли даврларда пайдо бўлган.

Шишасозлик нафақат халқимизни тарихий ва маданий кўрсаткичи бўлиб қолмай, у шу билан бирга геология, ботаника, биология, кимё, фармацевтика ва бошқа фанларнинг ривожланиш тарихини ўрганиш имкониятини ҳам бермоқда. Ҳозир бу соҳалар бўйича қизиқарли маълумотлар тўпланган.

Мамлакатимизда археологик қазилма ишлари пайтида қадимги шишасозликка оид бўлган кўпгина моддий ашёлар топилган. Бу бой ва рангбаранг маҳсулотлар шишасозлик бизнинг ҳудудимизда узоқ тарихга эга эканлигини исботламоқда. Бу ерда энг қадимги шиша мунчоқ ва тақинчоқлар бронза даври (эрадан аввалги II минг йилликлар) маданий қатламаларида учрайди. Бундай зеб-зийнат буюмлари Фарғона, Бухоро, Хоразмдаги ёдгорликларда кўплаб топилган.

Айниқса илк темир даврида (эрадан аввалги IX-IV асрлар) бундай шиша буюмлар анчагина кенг тарқалган. Бу давр тақинчоқлари сон, ранг ва шакл жиҳатидан янада бойиган бўлиб қайд этилган воҳалардан ташқари янада кўпроқ ҳудудларда пайдо бўлган. Бу ҳолат албатта маҳаллий шишасозлик анчагина ривож топганлигини гувоҳидир.

Шишасозлик айниқса антик даврга (эрадан аввалги IV асрлар-эрамизни IV асрлари) келиб йирик ютуқларни қўлга киритади. Бу вақт шиша маҳсулотлари Хоразм, Зарафшон, Фарғона ва Сурхон воҳаларини ўнлаб ёдгорликларида топилганлиги маълум. Бу даврда мунчоқ ва безаклар янада кенгроқ тарқалганлигидан ташқари илк бор йирик маҳсулотлар — ошхона идишлари, кимёвий асбоб-ускуналар (шиша найчалар, ҳидли нарсалар сақланадиган идишча — бальзамарийлар, кичик ва майда кўза ва флакончалар), дераза ойналари, безаклар учун ишлатиладиган ясси шиша қатламчалари — пластинкалар, одам қиёфаси туширилган медальонлар, шиша эритиладиган кўза-тигеллар, қолиплар ва бошқа йирик буюмлар учрайди. Уларнинг кўплари пуфлаш усули билан ясалган бўлиб уларга турли йўллар билан безак берилган. Шиша идишларни пуфлаш усули кашф этилиши бу соҳада ҳақиқий бурилиш бўлди. Натижада жуда осонгина йўл билан кўплаб буюмларни яратиш ва шу орқали бозорларни бойитиш имконияти туғилди. Хитой манбалари Ўзбекистон ҳудудидан борган усталарни худди шу даврларда (эрамизни 424 йилида) у ерларга бориб уларни шишасозлик сирлари билан таништириб ноёб иншоотни — шишадан қуйилган император ўтирадиган махсус тахтни ясаб берганлиги ҳақида маълумот қолдирган.

Илк ўрта асрлардан (V-VII арслар) бошлаб, айниқса ўрта асрларга (IX-XIII асрни бошлари) келиб шишасозлик жуда юқори поғонага кўтарилган бўлиб оддий, кўпчилик хабар топган ва ўзлаштирган ҳунармандчилик соҳаларини бирига айланиб қолган. Бу вақтларда кўп миқдорда шиша буюмлар ва уларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган турли-туман топилмалар мамлакатимизнинг юзлаб қадимги қадамжоларида топилган. Энди шишасозлик халқимизнинг турли эҳтиёжларини қониқтирувчи соҳага айланиб ички ва ташқи савдо-сотиқ ишларида ҳам кенг қўлланила бошлаган. Бу вақтга келиб шиша маҳсулотларини ассортименти кескин кенгайиб шишадан 40 дан ортиқ шаклга эга бўлган ва ҳар хил усулларда безак берилган ва безаксиз идишлар., кимё ва тиббиёт фанларида қўлланиладиган идиш, асбоб ва воситалар, хўжалик буюмлари (сиёҳдонлар, тарози тошлари, воронка-қуйқичлар, тувак ва сумаклар), дераза ойналари ишлаб чиқарила бошланди. Қадимги топилмаларни кимёвий таҳлил этиш орқали ўша даврдаги шишасозликда қўлланилган айрим рецепт ва таркиблар кўпгина архитектура ёдгорликларини майолика ва мозаика тахтача ва лавҳаларни юзига суртилган сир-глазурларни олишда ҳам кенг қўлланилганлиги маълум бўлди.

Ўзбекистоннинг шиша идишлари довруғи узоқ-узоқларгача тарқалган. Америка олими Эдвар Шеферни «Самарқанднинг олтин шафтолилари» (1981 й.) китобида ёзилишича Хитойга Тан империяси даврида (VII-X асрлар) Фарғонадан (675 ва 761 йилларда), Тохаристондан (ҳозирги Сурхондарё вилояти) (730 ва 741 йиллар) ва Кешдан (ҳозирги Шаҳрисабз) (746 йили) қизил ва кўк ҳаворанг тиниқ ва шаффоф шишалар (хитойча «боли») ва қимматбаҳо табиий тошларга ўхшатиб ишланган нур ўтказмайдиган рангли шишалар (хитойча «люли») борганлиги қайд этилган. Бу маълумотлар Ўзбекистоннинг илк ўрта асрларда шишасозлиги ривож топган йирик давлатлардан бири эканлигини кўрсатади. Унинг турли ўлкаларида бу соҳа юқори поғонада бўлиб у ердаги маҳсулотлар бошқа мамлакатларда ҳам жуда юқори баҳоланганлигидан дарак беради. Шу сабабли бу ерда ясалган шиша буюм ва идишлар узоқ-узоқ мамлакатларга етиб борган. Масалан, Сибирь ёдгорликларидан Кума дарёси бўйидаги бир қўрғонда сопол ва шиша идишлар топилган. Уларнинг кимёвий таркибларини ўрганганимизда улар Бухоро воҳасини Пойкенд ҳаробаларида топилган шиша идишлар таркибига жуда яқин эканлиги ва Сибирга бухоролик савдогарлар томонидан олиб борилганлиги маълум бўлди. Кейинги йилларда бизнинг ҳудудимиз усталари услуби ва кимёвий таркибида ишланган шиша маҳсулотларни (мунчоқ ва қадақлар) Япониянинг Хакусай-Ябу ёдгорлигида (IV аср) ва Индонезиянинг Суматра ва Ғарбий Ява ороллари ёдгорликларида (VII-IX асрлар) учраши қадимда бу мамлакатлар орасида, айниқса Буюк ипак йўли орқали олиб борилган савдо-сотиқ алоқаларини натижаси бўлса керак.

Аксинча бизнинг ҳудудимизда топилган айрим маҳсулотлар бошқа ерлардаги анъаналар асосида тайёрланганлигини ҳам кўриш мумкин. Масалан, Хоразмдаги машҳур Тупроқ-қалъа саройида топилган жангчи камари олтиндан ясалган бўлиб унинг уяларига жойлаштирилган рангсиз тиниқ ясси тахтачалар (квадрат пластинкалар) қадимги Рим шишасозлигига хос анъана ва таркибдаги шиша эритмасидан тайёрланганлиги маълум бўлди.

Ватанимизда умуман ҳунармандчилик хусусан шишасозликнинг гуллаб-яшнашига мўғул истилоси катта зарба берди. Бу соҳа кўп шаҳарларда қайта тикланмади. 30 га яқин обидаларда шиша қолдиқлар бироз учрасада, аммо бу ҳунар бурунги даражасига асло қайтмади ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ва ассортименти тубдан ўзгариб, кескин камайиб кетди. Лекин бу тушкинлик узоқ давом этмади. Бобомиз Амир Темур ва фарзандлари ҳукмронлик қилган даврда бу соҳа яна йўлга туша бошлади, аммо бурунги мавқеи ва даражасигача кўтарила олмади. Бу вақтга келиб шишасозлик янги йўналиш ва эҳтиёжларни қондиришга хизмат қила бошлади. Идиш-товоқ ва хўжалик асбоблари ишлашдан ташқари янги йўналиш-дунёга донғи кетган меъморий биноларни қуришга қаратилди. Шишасозликда катта тажриба тўплаган усталар муҳташам обидаларни турли рангга эга бўлган дераза ойналари ва ташқи деворларни безовчи қоплама майолика ва мозаика тахтачалари ва ғиштчаларини юзига суртиладиган сирлар-глазурларни яратиш соҳасида фаолият кўрсата бошладилар. Иккала маҳсулотни кимёвий таркиби бир-бирига жуда яқин эканлиги шишасоз усталар керамика соҳасига жалб қилинганлигини кўрсатади.

Кимёвий изланишлар орқали бу даврда иккала соҳада ҳам йирик-йирик кашфиётлар яратилганлиги маълум бўлди. Булардан бири меъморий бинолар учун турли рангдаги дераза ойналарини олиш технологияси яратилишидир. Худди шу даврда «Мис ёқути» деб аталувчи тиниқ қизил рангли шиша олиш усули ишлаб чиқилди ва ундан дераза ойналари сифатида кенг қўлланилди. Бундай маҳсулот Европада фақат XVII асрдагина яратилди.

Бу вақтда юзага келган иккинчи кашфиёт-қурилаётган меъморий обидаларни безаш учун ишлатиладиган мозаика тахтачаларини асосига янги қурилиш ашёси — «кошин» қўлланишидир. У таркибида 80 фоиздан кўпроқ оқ қум кукунига турли қўшимча моддаларни, асосан ишқорий бирикмаларни қўшиш йўли билан олинган маҳсулотдир. Бу маҳаллий маҳсулотни ўта янги ашё деб айта олмаймиз. Чунки у бизнинг ўлкада жуда узоқ вақтлардан бери маълум бўлган ва ишлаб чиқарилган. Масалан бронза ва илк темир даврида ундан турли мунчоқ ва тақинчоқлар ясашган. Ўрта асрларга келиб у сирли ва нақшли идиш-товоқлар тайёрлашда ва ниҳоят темурийлар даврида меъморий иншоотларга «Кошин» номи билан жорий этилган.

Узоқ ўтмишдан қолган шиша маҳсулотларни чуқур таҳлил этиш орқали бизнинг шишасоз усталар дунёда маълум бўлган ясаш, ишлов бериш ва безак бериш усулларини мукаммал билганлар дейиш мумкин. Ўша даврларда яратилган кўпгина идиш ва буюмларни ҳақиқий санъат асари деб қараш мумкин. Идишлар эркин пуфлаш, қолиплар ёрдамида ва қолипларсиз, тамғалаш, пресслаш, қуйиш, кесиш, иссиқ ва совуқ ҳолда безак бериш йўллари билан бажарилган. Масалан қадимги Термизда ҳоким саройида топилган шиша медальонларда (XII асрга оид) қўлига қуш қўндирилган отлиқни тасвири бу бебаҳо санъат асаридир.

Қадимги Қува шаҳристони ҳақиқатдан ноёб шишалар хазинаси бўлиб қолмоқда. Бу ерда 1957 йилда академик Я. Ғуломов раҳбарлигидаги экспедиция топган идишлар коллекцияси таркибида катта ва кичик ажойиб ва нафис қадаҳ ва қадаҳчалар бор. Уларни ишланиш услуби ўзига хос ва бетакрордир. Дунё музейларида бундай идишлар ҳали топилмаган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон шишасозлик жуда қадим замонлардан маълум бўлган макондир. Бу ерда қадимги шиша буюмларни юзлаб ёдгорликларда топилиши бу ҳунармандчиликни ниҳоятда кенг тарқалганлиги ва ривожланганлигидан дарак беради. Шиша топилмаларини эрамиздан аввалги II минг йилликлардан то сўнгги ўрта асрларгача бўлган узоқ тарихий даврни ўз ичига олиши бизнинг ҳудудимизни энг қадимги ва йирик шишасозлик марказларидан бири эканлигини исботлайди. Шиша маҳсулотлари аждодларимиз ҳаётини турли жабҳаларига кириб уларни ҳар хил эҳтиёжларини қондириб келган. Топилган моддий қолдиқлардан ташқари бу ҳақда VII асрлардан тортиб кўпгина китоб ва асарлар ёзиб қолдирилган. Бизнинг улуғ ватандошларимиз Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино бу соҳа бўйича нафақат муҳим ва қимматли маълумотлар қолдирган, шу билан бирга улар ўз вақтида шиша буюмлар хоссалари ҳақида кучли баҳс ва мунозаралар олиб боришган, хатлар ёзишган, тажрибалар ўтказишган. Тўпланган бу маълумотлар ҳаммаси инсоният яратган улкан ва ўта зарур ҳунармандчилик соҳаларидан бири бўлган шишасозликка аждодларимиз жуда катта ва салмоқли ҳисса қўшганлигидан дарак беради.

*Абдуғани АБДУРАЗЗОҚОВ, тарих фанлари доктори, ЮНЕСКО қошидаги Халқаро шишасозлик комиссиясининг махсус Комитети ва Осиё мамлакатлари шишасозлиги тарихини ўрганувчи Блайер жамияти аъзоси*

## Самолёт уйлар устига қулади

Ангола фуқаро авиацияси бошқармаси вакилининг маълум қилишича, мамлакат пойтахти Луандага яқин жойда самолёт ҳалокатга учраган. Самолёт ҳавога кўтарилгандаёқ аланга олган ва турар жой бинолари устига қулаган. Натижада қарийб 20 киши ҳалок бўлган, бир неча киши жароҳатланган. Айни пайтда ҳалокат оқибатларини бартараф қилиш чоралари кўрилмоқда.



Ҳинд мусиқа юлдузи Мадхумита Бош

## 100 грамм уранни 700 минг долларга сотишмоқчи бўлишди

**Туркия махсус хизмат ходимлари мамлакат ғарбида жойлашган Бурса шаҳрида Озарбойжондан контрабанда йўли билан келтирилган 100 грамм тўйинган уранни қўлга олди.**

**Маълум бўлишича, ҳибсга олинган тўрт нафар жиноятчи ушбу хатарли юкни 700 минг АҚШ долларига сотмоқчи бўлган экан.**

## Президентлар учрашуви бўлади

18 февраль куни Эстонияда Болтиқбўйи давлатлари президентларининг анъанавий учрашуви бўлиб ўтади.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга қараганда, ҳар олти ойда уюштириладиган Литва, Латвия ва Эстония раҳбарлари учрашувининг навбатдагиси 1998 йил ноябрда ўтказилиши керак эди. Бироқ унгача бўлган вақт мобайнида турли сабабларга кўра уч мамлакат президентлари тўрт маротаба учрашгани сабабли ноябрь саммити қолдирилган эди.




**Сиёсий шарҳловчи нигоҳи**

# Интеграциянинг оддий арифметикаси:

***Иккита иқтисодий ночор мамлакат бирлашса битта бадавлат иттифоқ юзага келиши мумкинми?***

Январь ойининг ўзидаёқ ёмғирдан кейин чиққан қўзиқориндек кўпайган муаммолардан билса бўладики, «Қуён йили» Белоруссия ва Россия иттифоқи учун жуда хосиятсиз бошланди.

Бир ёқдан, Минскда кўп минг кишилик намойишчиларнинг Белоруссиядаги нобоп иқтисодий сиёсатга нисбатан ва умуман, «иккилик» иттифоқига қарши норозилик чиқишлари авж олаётган бўлса, бошқа томондан, Москвада ҳукумат амалдорлари Белоруссия билан Россия ўртасида имзоланган «иккилик»ка тегишли битимларни тан олмасликларини амалда намойиш этмоқдалар.

Масалан, Россия Федерацияси Транспорт вазирлигининг транспорт назорати ходимлари «иккилик» доирасида бу соҳа бўйича тегишли ҳужжатлар имзоланган бўлишига қарамай, товар олиб келаётган катта миқдордаги Белоруссия автоуловларини Россия ҳудудига ўтказмай қўйди. Натижада эса, «Интерфакс» ахборот агентлиги январнинг охирги ҳафтасида тарқатган хабарга асосланадиган бўлсак, 500 дан зиёд автопоезд ҳозирда чегара яқинида тўхтаб турибди. Худди ана шу агентликнинг маълумотларига қараганда, Белоруссия — Россия чегараси ҳудудидаги Брест-Москва йўлининг олти километрлик масофаси тўрт қатор тизилган оғир юк ташувчи машиналар билан тўсилиб қолган.

Белоруссия Президентининг аюҳаннос солишича, Россияга киритилмаётган юклар россиялик истеъмолчиларга мўлжалланган ва иттифоқдош давлатнинг халқ хўжалиги учун бекиёс аҳамиятга эга эмиш. Айни чоғда, Александр Лукашенко россиялик «бузғунчи» ва «каллаварам» амалдорларнинг ана шу шаккокликларига нисбатан «муқобил чоралар» кўрмаслигини ҳам писанда қилди.

Белоруссия раҳбари ўзининг бундай «ҳотамтойлиги»ни Россияга «муайян иқтисодий зарар етказиш»дан қочиш ва «икки мамлакат интеграцияси жараёнларини обрўсизлантириш»дан эҳтиёт бўлиш каби сабаблар билан хаспўшлашга интилди. Аслида эса, бунинг туб сабабларидан бири, коса тагида нимкоса, деганларидек, Россияга Белоруссия маҳсулотларини киритиш масаласи Лукашенко учун салкам ҳаёт-мамот муаммосига айланганлиги билан боғлиқ эмасмикан, деган савол туғилади.

Гап шундаки, «Независимая газета»сининг ёзишича, Белоруссияга Россия томонидан йилига 1,5-2 миллиард доллар миқдорида кўмак (дотация) кўрсатилаётганига қарамай, бугунги кунда республиканинг 83 фоиз аҳолиси қашшоқликда кун кечиришга маҳкум. Валюта заҳирасининг қолган-қутгани ҳам ўтган йилнинг кузида еб битирилди. Зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони кескин ортиб бормоқда. Дейлик, 1992 йилда бундай корхоналар атиги 4,8 фоизни ташкил этган бўлса, 1997 йилга келиб уларнинг миқдори 47 фоизга етди. Белоруссия корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бермаслиги, хусусан, рақобатбардош эмаслиги аҳволни янада оғирлаштиради. Дарвоқе, яқинда Минск трактор заводи ишчилари билан учрашув чоғида Лукашенконинг ўзи ҳам «Белоруссия маҳсулотлари, жумладан МТЗ тракторларининг Ғарб учун кераги йўқ»лигини очиқ-ошкора тан олди.

Шу боис, Лукашенко ҳар қандай иттифоқдош тимсолида бозори синган товарларининг зўраки харидорини кўриши баробарида, ҳар қайси ҳамкор мамлакат билан иқтисодий олди-бердини бартер асосида амалга оширишни истайди.

Тамаддуний дунёда, яъни бозор иқтисодиёти шароитида яшаётган ва эркин иқтисодий муносабатлар сари интилаётган мамлакатларда эса бундай «ёввойи тартиблар»га йўл қўйилмайди. Масалан, Белоруссия ўзи учун ташқи савдодаги шериклик жабҳасида Россиядан кейин иккинчи ўринда турувчи Украина билан худди шу тўлов усули юзасидан ҳалигача ягона ечимга кела олмаяпти. Украина ўзи етказиб берадиган бир қанча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари учун ҳақ, табиий равишда, қаттиқ валютада тўланишидан манфаатдор. Белоруссия эса «бартербозлик»ни тавсия қилишдан нарига ўтмаяпти.

Лукашенко Россия билан ўзаро тўлов муносабатларида, охир-оқибат, «бир ўқ билан икки қуённи уриш»га қисман бўлса-да эришган, яъни Белоруссиянинг Россия газидан фойдаланганлиги учун тўпланиб қолган 200 миллион долларлик қарзини республикада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан қоплаш тўғрисида олий даражадаги икки томонлама шартнома имзоланишига муваффақ бўлган эди. Балки, шу боисдир, «Минск омборхоналарида иттифоқдош мамалакат ўта муҳтож бўлиб турган холодильник ва бошқа хил товарлар анчадан буён тахланиб ётибди», дейди содда муғамбирлик билан Белоруссия раҳбари.

Россия «ўзи буюртма берган маҳсулотлар»ни ташиб кетишга негадир шошилмаётганлигининг сабабларини ахтарар эканмиз, кези келганда, бу мамлакатда ҳам иқтисодий вазият ҳавас қиладиган ва ёрдам кутадиган аҳволда эмаслигини эслатиш жоиз. Мисол учун, Россия матбуотида қайд этилишича, 1998 йилда мамлакатнинг ташқи савдо айланмаси 17 фоиз камайди. Иқтисодий бўҳрон Россияни тахминан 1995 йилги даражасига тушириб қўйди. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, Россия ҳозирги пайтда ташқи қарзларини тўлай олмаслигини расмий эътироф этиш хавфи остида яшаяпти. Ташқи қарз миқдори, озмас-кўпмас, 17,5 миллиард доллардан иборат. Шундан 9,5 миллиард доллари кечиктирмай тўланиши шарт.

Иқтисодий жабҳадаги бундай салбий кўрсаткичлар, Россия Федерацияси савдо вазири Георгий Габуниянинг хулосаларига кўра, 1999 йилда мамлакат бозоридаги товарларнинг миқдори ва сифатига жиддий таъсир кўрсатмай қолмайди. Жумладан, бозорларимиз арзон ва сифатсиз маҳсулотларга тўлиб кетиши мумкин, дейди Г. Габуния.

«Арзоннинг шўрваси татимас» мақолидан ва вазирнинг тушкин фикрларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, Белоруссиянинг чегарада тўпланиб ётган арзонгаров ашқол-дашқолларига яқин-орада йўл очилган тақдирда ҳам Россиянинг бу матоҳлардан бирон фойда кўриши даргумонга ўхшайди.

Шундай экан, Россиянинг бир қанча вазирлик ва муассасалари томонидан «иккилик» доирасида имзоланган ҳужжатлар ижроси борасида йўл қўйилаётган «интизомсизлик»лар, аллақачон, одат тусига кириб улгарганига ажабланмаса ҳам бўлади.

Негаки, бугунги кунда иқтисодий ночор, нафақат ночор, балки шафқатсиз бўҳронни бошидан кечираётган Россия ва Белоруссиянинг бирлашиб, ягона бир бадавлат иттифоққа айланишига ташқи дунё билан биргаликда, ҳар икки мамлакатдаги соғлом кучларнинг ҳам кўзи етмаяпти.

*Ғулом МИРЗО*



Киев бинокорлиги

## Армияда ислоҳотлар ўтказилади

Чехия армияси профессионал, тезкор ва халқаро ҳарбий қуролли кучлар таркибида ҳар қандай вазифани бажаришга тайёр бўлиши лозим. Чехия ҳукумати томонидан маъқулланган миллий қуролли кучлар тўғрисидаги қонун лойиҳасида шу нарса ўз ифодасини топган. Бу ҳужжат яқин кунлар ичида парламент муҳокамасига тақдим этилади.

Мамлакат мудофаа вазири Владимир Ветхийнинг сўзларига қараганда, армияни ислоҳ қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар яқин ойлар ичида парламент томонидан тасдиқланиши кутилмоқда. Янги қонунлар Чехиянинг НАТОга аъзо бўлиши муносабати билан тайёрланган бўлиб, мамлакатнинг ҳарбий соҳага тааллуқли қонунлари Шимолий Атлантика алянси низомидаги ҳуқуқий меъёрларга мос келишини таъминлайди.

## Валюта заҳираси ошибди

**Япония молия вазирлиги эълон қилган маълумотларига қараганда, жорий йилнинг январида мамлакат валюта заҳираси 1998 йилнинг февраль ойига нисбатан 6,2 миллиард АҚШ долларига ошган ва 222,2 миллиардни ташкил этди. Бу борада Япония 5 йилдан буён жаҳонда етакчилик қилиб келмоқда.**

**Мутахассисларнинг фикрича, Япония валюта заҳирасининг ошишига мамлакат миллий банки томонидан катта миқдордаги япон иенининг валюта бозорларида сотилиши ва миллий пул қадрини ошириш учун АҚШ доллари сотиб олиниши асосий сабаб бўлмоқда.**

*(ЎзА)*

# Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз

## Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоблари

1

***САВОЛ:* Яхши биламизки, мустақил тараққиёт йўли оқ поёндоз тўшалган равон йўл эмас. Бу йўлда ўзига хос паст-баландликлар, тўсиқ ва қийинчиликлар, мураккабликлар бўлиши табиий. Сизнингча, Ўзбекистоннинг етти йиллик истиқлол тарихидан келиб чиқадиган асосий сабоқ ва хулосалар нималардан иборат?**

***ЖАВОБ:*** Менимча, етти-саккиз йиллик тажрибалар асосида тугал хулосалар чиқаришга ҳали эрта. Чунки биз яшаб ўтаётган давр ҳақида, миллатимиз ҳаётидаги туб бурилиш нуқтаси бўлган истиқлол йиллари ҳақида мукаммал хулосаларни тарих ва келгуси авлодларгина чиқаришга ҳақлидир. Лекин бугунги ўзимиз бевосита иштирокчилари бўлган ижтимоий жараёнлар таҳлилидан келиб чиқадиган баъзи бир сабоқларни зикр этиш фойдадан холи бўлмас, деб ўйлайман.

Биринчи сабоқ шундан иборатки, янги тизимга ўтиш кўпчилик ўйлагандан ҳам кўра мураккаб жараён экан. Ёдингизда бўлса, 90-йилларда мустақилликка эришган айрим давлатлар эски тизимдан воз кечиб, бирданига демократия қурамиз, бирпасда ривожланган мамлакатлар даражасига эришамиз, деб хомхаёл қилган эди. Бугун, орадан етти йил ўтиб, уларнинг қуруқ гап эканини, хаёл бошқа, ҳаёт бошқа эканини воқеликнинг ўзи исботлади.

Шу каби ҳаёт сабоқларини ўйлаб, бошимиздан кечган воқеаларни таҳлил қилиб, ақл тарозисидан ўтказиб, шундай тўхтамга келаманки, **Ватан, миллат тақдири ҳал бўладиган қалтис вазиятларда тўғри йўлни танлай олиш учун аввало тарихни ва ҳаётнинг аччиқ-чучугини билиш керак** экан. Тарих инсоннинг кўзини очар экан. Шунда кўп хатоларнинг олдини олиш мумкин бўлар экан. Чунки инсоният тарихида даврлар, жараёнлар чархпалак каби айланиб, қайтарилиб туради. Фақат бу ҳолатлар янги тарихий босқичда янгича шаклда рўй беради. Шу нуқтаи назардан қараганда бизнинг тарихимизда ҳам ўсиш, юксалиш ва таназзул замонлари бўлган. Халқимиз бошидан кўп нарсани ўтказган. Зафарларни ҳам, мағлубият ва парокандаликларни ҳам кўрган. Бунга Амир Темур ҳукмронлик қилган давр ва ундан кейин кечган жараёнлар ёрқин мисол бўла олади.

Буюк аждодимиз юксак тараққий топган давлат барпо этгани ва бу мамлакатда «Куч — адолатда» деган бош шиор давлат сиёсатининг, жамият ҳаётининг асоси бўлганини яхши биламиз. Бу ғоя одамларга куч берган, уларда инсоф-диёнатга, эзгуликка ишонч уйғотган. Чунки жамиятда адолат барқарор бўлса, миллат, халқ ҳеч қачон йўлидан адашмайди, эртами-кечми фаровон турмушга эришади. Менинг раҳбарлик лавозимида меҳнат қилган тажрибамдан чиқарган энг муҳим ҳаётий хулосам шуки, **адолат биз қураётган жамиятнинг мезони бўлмоғи даркор.**

Нафақат мамлакатимиз миқёсида, ўйлайманки, ҳар қандай жамоа, маҳалла, борингки, оила мисолида ҳам омадимиз, файз-баракамизнинг гарови ва шарти бўлмиш тинчлик ва тотувлигимизни сақламоқчи бўлсак, бунинг ягона замини — адолат ва инсофни энг устувор мақсадимиз ва сиёсатимизга айлантирмоғимиз керак.

Фақатгина шу асосда бугунги эришган энг катта бойлигимизга — фуқаролар розилиги, миллатлараро тотувлик ва юртимизда қарор топган осойишталикни сақлаш ва мустаҳкамлаш мумкин.

Бу фикрларни айтишдан мақсад шуки, биз тараққиётимизнинг, миллатимиз тарихининг ҳозирги босқичида, маълум маънода ана шу даврларни янгича шароитда қайта бошдан кечиряпмиз. Янги ўзбек давлатчилигининг тамал тошини қўяяпмиз. Шундай экан, тарих сабоқлари бизни ҳар хил нотўғри қадамлардан огоҳ этувчи, сақлаб турувчи омил бўлиши лозим. Чунончи, халқ, миллат тақдирига дахлдор масалаларда пала-партиш, оқибатини ўйламасдан иш тутиш ярамайди. Одамларга яхши кўринаман, деб «чиройли» шиорлар билан жамоатни маҳлиё қилмоқчи бўлганларнинг бугунги аҳволи қандайлигини кўриб турибмиз. Бу ҳам, керак бўлса, кечаги тарих сабоғи эмасми?

Кези келганда бир муҳим масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Биз шу пайтгача кўпроқ эски тузумни танқид қилиш, уни инкор этиш билан банд бўлдик. Албатта, бошимиздан кечирган мудҳиш ва мустабид турмушнинг бутун асоратларини англаб етиш, йўлимизни тўғри белгилаб олиш учун истиқлолнинг дастлабки йилларида бу биз учун албатта зарур эди. Аммо фақат ўтмишни ёзғириш, инкор этиш билан узоққа бориб бўлмайди. Эски асоратларни инкор қилиш осон, бироқ улардан қутулиш, уларни такрорламаслик — ўз-ўзидан бўладиган иш эмас.

Эски жамиятни танқид қилиш осон, лекин янги жамият қуриш ниҳоятда қийин ва машаққатли жараён.



2

Мана, биз етти-саккиз йиллик мустақил тараққиёт йўлини босиб ўтдик. Бу йўлда орттирган озми-кўпми тажрибамизга, эришган ютуқларимизга таяниб айтиш мумкинки, **энди инкор қилиш кайфиятидан бунёдкорлик кайфиятига ўтиш пайти келди.**

Яқин ўтмишимизнинг яна бир сабоғи шуки, **миллат, давлат, жамият тақдири ҳал бўлаётган паллада ўзлигимизни англаш, маънавий илдизларимизни унутмаслик катта аҳамиятга эга**. Моддий етишмовчилик албатта оғир синов, лекин унга меҳнат билан, сабр-тоқат билан бардош берса, енгиб ўтса бўлади, аммо маънавий инқироз, маънавий қашшоқликдан, уларнинг оқибатидан — миллатлараро низолардан, биродаркушлик қирғинларидан худонинг ўзи асрасин.

Шукрки, биз халқимизнинг азму шижоатига, бунёдкорлик кучига таянган ҳолда, ўтиш даврига хос қийинчиликларни енга бориб, ўз йўлимизни аниқ белгилаб олдик ва шу йўлда озми-кўпми ютуқларга эришдик. Албатта, ютуқлар ҳақида ғурурланиб гапириш, кўплаб мисолларни келтириш мумкин, аммо сохта обрў орттириш йўлида кўкракка мушт уриб оламга жар солиш бизнинг табиатимизга ётдир.

Шу ўринда эътиборингизни, айниқса оммавий ахборот воситалари ходимларининг диққатини бир нарсага жалб этмоқчи эдим.

Юртимизда амалга оширилган катта ўзгаришларга, бунёдкорлик ишларига мамлакатимиз раҳбарияти бош-қош бўлиши табиий ҳол. Лекин бу жараёнларда кўпчиликнинг иштироки, қолаверса, ҳар кимнинг ўз ўрни бор. Бу ишлар бутун халқимизнинг ақл-заковати, фидокорона меҳнати туфайли амалга ошмоқда. Президентнинг вазифаси эса жамиятни олий мақсадлар, ёруғ келажакка интилиш йўлига чорлаш, бирлаштириш, жипслаштиришдан иборат экан, бу иш менинг зиммамга тушибди. Мен нима иш қилган бўлсам, худо берган қобилиятимга яраша, халқимизга суянган ҳолда қилдим. Яратганга шукроналар бўлсинки, халқ менга ишонди.

Ана шу ишонч одамни эзгу йўлга бошлайди, қанот беради, керак бўлса, мислсиз куч-ғайрат бағишлайди. Азалдан қолган нақл борки, давлат бошлиғи ҳам ўз халқининг феъли-атворига яраша бўлар экан.

Мен бир гапни кўп айтганман. Яна такрорлайман: бизнинг юртимизга Оллоҳнинг назари тушган. Шундай экан, бу муқаддас заминдан мендай раҳбар чиқмаса, бошқа биров чиқарди.

Ҳар қандай таназзулдан, таҳликали мушкул аҳволдан, авваламбор халқнинг мардлиги, бунёдкорлик салоҳияти, теран маънавияти, содда қилиб айтганда, одамларнинг мададига таянибгина чиқиш мумкин.

Халқига суянмаган раҳбар ҳеч замонда бирон натижага эриша олмаган. Ахир, ҳар бир фуқаронинг жамиятда ўз ўрни, ўз бурчи ва масъулияти бор. Лекин уларни улуғ ва олижаноб мақсадлар йўлида руҳий, маънавий жиҳатдан бирлаштирадиган йўлбошчининг майдонга чиқиши тарихий тараққиёт тақозосидир.

***САВОЛ:* Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, кейинги вақтларда мустақиллик мафкураси, миллий ғоя ҳақида жамиятимизда кўп фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Жамоатчилигимизга яхши маълумки, Сиз одамларнинг тафаккур тарзини, дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг қалбига ана шу улуғ ғояларни сингдириш борасида доимо жон куйдириб келасиз. Ижозатингиз билан энди миллий ғоя, миллий ғурур, маънавият масалалари ҳақида тўхталсак...**

***ЖАВОБ:*** Миллий ғоя ҳақида жуда кўп ва узоқ фикр юритиш мумкин. У ҳаётнинг ўзи каби чексиз мавзудир. Миллий ғоя халқнинг миллий манфаатларидан келиб чиқади ва уни ўзида ифода этади. Бу ҳақдаги асосий фикрларимни «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига берган жавобларимда ҳам билдирган эдим.

Шу нарса эътиборга сазоворки, кейинги вақтда «миллий ғоя» деган тушунча ҳаётимизга чуқур кириб бормоқда, бугунги ижтимоий воқеликдан ўз ўрнини топмоқда.

Бу албатта мустақилликнинг — мустақил тафаккурнинг маҳсулидир. Бир пайтлар бу ҳақда сўз юритиш қийин эди. Ҳамма нарса коммунистик мафкура қолипи билан ўлчанган у замонларда ҳар бир одам ўзининг эътиқодидан қатъи назар, ичидаги ғам-ташвишларини яшириб, расмий минбарлардан туриб ёки матбуотда — оддий зиёлими, етук олимми ёки таниқли арбобми — барибир, айтаётган фикрининг ана шу қолипга мос келиш-келмаслигини ўйлашга мажбур эди. Чунки фикрловчи, ақлли одамлар қирғин-қатағонлар туфайли қўрқиб юрагини олдириб қўйган, уларнинг онгига, онг қатламларига ана шу ваҳима ҳисси сингиб кетган эди. Шунинг учун, яъни, бир қолипдан чиққани учун ҳам уларнинг фикрлари бир-бирига ниҳоятда ўхшаш бўларди. «Шаклан миллий, мазмунан социалистик» деган ибора бу ҳолатни яққол ифодалар эди.

3

Бугунги ҳаётимизнинг кечаги кунимиздан асосий фарқини топмоқчи бўлсак, бу аввало **одамларнинг тафаккури ўзгариб, аниқроғи, юксалиб бораётгани** билан белгиланади. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Аслида одамзот тафаккурининг чегараси йўқ. Ҳаёт ўзгариши билан, борлиқ дунё ўзгариши билан инсоннинг моддий ва маънавий муҳити, унинг дунёқараши ҳам ўзгариши қонуний ҳол, албатта. Агар тафаккурни атрофимиздаги ҳаёт тарзининг маҳсули сифатида қабул қилсак, унинг иккинчи жиҳати шундаки, ҳаётнинг ўзи ҳам, унинг ўзгаришлари ҳам одамзот тафаккурининг ўзгариши билан чамбарчас боғлиқ.

Шу қисқа давр ичида — кейинги етти-ўн йил давомида замоннинг шиддат билан ўзгариши одамлар тафаккурининг ҳам тез ўзгариб боришига таъсир қилмоқда.

Бу муҳим, ғоят долзарб масала бўйича бизнинг ёндашувимиз шундай: **биз кишилар дунёқарашини бошқариш фикридан йироқмиз, балки биз одамларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз.**

Ҳар қандай халқни халқ, миллатни миллат қиладиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан чароғон этадиган мафкура — миллий ғояни шакллантиришнинг асосий шарти — одамларнинг тафаккури, дунёқарашининг воқеликка нисбатан таъсирини инобатга олишдир. Шу маънода миллий ғоя, миллий онг туйғусининг моҳиятини тўғри англаш, уни тарбия қилиш, уни бугунги куннинг энг зарур вазифаларидан бири сифатида эътироф этиш, бу хусусда баҳсу мунозаралар олиб бориш, фикр алмашиш, очиқ-ойдин гапириш, ўйлайманки, ижтимоий тараққиётимиз учун катта наф келтиради.

Биз йигирма биринчи аср бўсағасида яшаяпмиз. Оллоҳ насиб этса, ҳадемай йигирма биринчи асрга ҳам қадам қўямиз. Хўш, янги асрга биз қандай онг, қандай мафкура билан — халқимизни бирлаштирадиган, унга йўл кўрсатадиган қандай миллий ғоя билан кириб борамиз?

Бу даврда бизнинг маънавий қараш ва нуқтаи назарларимиз нимадан иборат бўлади? Кундан-кунга ўзгариб, ғоят мураккаблашиб бораётган жаҳон ҳамжамияти тизимидан бу қарашлар ўзига муносиб ўрин топа оладими? Уларнинг халқаро тажрибалар ва демократик тамойиллар билан уйғун ривож топиши учун биз нималарга эътибор беришимиз керак? Умуман, бизда янги аср учун мўлжалланган маънавий-мафкуравий фаолият мақсадлари — концепциямиз борми? Бор бўлса, у ўзида нималарни ифода этади? Йўқ бўлса, бу хусусда кимлар, қайси ижтимоий-сиёсий кучлар ишламоқда?

Кўриниб турибдики, саволлар бир-биридан кескин, бир-биридан долзарб ва мураккаб. Лекин уларга жавоб топмасдан, бу муаммоларни ечмасдан биз олға қараб ҳаракат қилолмаймиз. Бир жойда depсиниб тураверамиз. Чунки ҳеч қачон кишилик жамиятида ғоявий бўшлиқ бўлмаган. Агарки шундай бўшлиқ пайдо бўлса, сўзсиз унинг ўрнини бизнинг табиатимизга бегона турли хил мафкуравий тазйиқлар эгаллаб олиши ва ўз таъсирини ўтказиши муқаррар.

Бундай хавфни ўзимизга яққол тасаввур қилишимиз ва унинг олдини олишимиз — бугунги куннинг энг долзарб, энг мураккаб вазифаларидан биридир. Хўш, бугунги кунда бизга мамлакат ичидан ва четдан таъсир ўтказиш мумкин бўлган қандай мафкуравий кучлар бор?

Бу кучларнинг ғоялари, манбалари, имкониятлари, таъсир доиралари қандай?

Бизнинг уларга муносабатимиз қандай бўлиши керак?

Шундан келиб чиққан ҳолда бизнинг ўзимизга хос, ўзимизга мос миллий ғоямиз қандай бўлмоғи лозим?

Уни кундалик ҳаётда, кенг жамоатчилик орасида, хусусан, ёшлар орасида татбиқ этишнинг йўл ва усуллари нималардан иборат?

Шу муносабат билан бизга хавф солиши мумкин бўлган **айрим мафкуравий таҳдидлар**га ватандошларимиз диққатини қаратмоқчиман.

Биздан узоқ-яқин масофаларда жойлашган айрим ислом давлатларида ўрта асрларда мавжуд бўлган мусулмон халифалигини тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган муайян ташкилотлар мавжуд. Улар катта маблағ ва мафкуравий таъсир воситаларига эга. Албатта, бундан ўн тўрт аср бурунги воқеликни бугун амалда қайтадан тиклаб бўлмаслиги аён. Лекин уларнинг нияти — ягона мафкуравий макон барпо қилиб, ислом динини сиёсийлаштириш ва шу асосда ҳукмронлик қилиш, ҳокимиятни қўлга киритишдир. Уларнинг фикрича, мусулмонлар яшайдиган мамлакатлар ўртасида ҳеч қандай маъмурий чегаралар бўлмаслиги керак, бу давлатларнинг барчаси ягона халифалик маркази томонидан бошқарилиши зарур.

Бундай кучлар орасида «Ҳезби таҳрири исломия» ташкилоти айниқса фаоллиги билан ажралиб туради. Унинг вакиллари бизнинг мамлакатимиз ҳудудида ҳам яширинча, пинҳона иш олиб боришга уринишмоқда. Улар асосан ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз ёшларимизни ўз тузоғига илинтиришга, турли йўллар билан уларнинг миясини заҳарлаб, ўз халқи, ўз юртига қарши ғанимга айлантиришга жон-жаҳди билан ҳеч қандай маблағларини аямасдан ҳаракат қилмоқдалар. Табиийки, биз бундай ёвуз интилишларга асло йўл қўймаймиз ва қўймаймиз ҳам.

Биз ота-боболаримизнинг муқаддас дини бўлган ислом динини қадрлаймиз, ҳурмат қиламиз, одамзот руҳий дунёсида иймон-эътиқодни, инсоний фазилатларни мустаҳкамлашда унинг ўрни ва таъсирини юксак баҳолаймиз. Шу билан бирга фуқароларимизнинг эътиқод эркинлигини қонун асосида таъминлаш учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқдамиз. Аммо биз диндан сиёсий мақсадлар ва ҳар қандай ёвуз ниятлар йўлида фойдаланишга мутлақо қаршимиз.

Инсонга ато этилган энг муқаддас фазилатлардан бири — бу Оллоҳни танишдир. Лекин инсоннинг мана шу буюк фазилатидан фойдаланиб, унинг онгини чалғитиб, ўз ғаразли мақсадлари учун қурол сифатида қўллаш—дунёда бундан ҳам кўра гуноҳи азим борми ўзи? Бизнинг бу масаладаги йўлимиз аниқ ва қатъий: дин диннинг ишини, давлат давлатнинг ишини қилсин.

**Мафкуравий таҳдид ҳақида гапирганда, яна бир масалага алоҳида эътибор беришимиз керак.** Ҳозирги вақтда Россия — Белорус иттифоқи атрофида зўр бериб шов-шув қилинмоқда. Маълум сиёсий кучлар бу иттифоқнинг «жозибаси»ни тарғибу ташвиқ қилиб, унга МДҲ ҳудудидаги бошқа мамлакатлар халқларини ҳам маҳлиё қилишга интилмоқда. Албатта, озодлик нашъасини тотиб кўрган, эркин нафас олаётган ҳар бир ақли расо одам бунинг тагида нима ётганини яхши билади. Аммо бу кучлар бугунги иқтисодий қийинчиликлардан фойдаланиб, мафкуравий таъсир воситалари ёрдамида сиёсатдан узоқ, содда кишиларнинг бош-кўзини айлантириб, ўз умрини яшаб бўлган совет ғояларини ҳаётимизга қайтадан тиқиштирмоқчи, шу йўл билан бўйнимизга яна ўша эски бўйинтуруқни илмоқчи. Ишончим комилки, эрксевар ва ўз қадр-қимматини яхши англаб олган халқимиз бунга асло рози бўлмайди. Бинобарин, жамиятимиздаги барча соғлом кучлар бундай хатарларга қарши курашга ҳамиша тайёр туриб, кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни авж олдириши керак.

Мафкура соҳасида бизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган **яна бир хавф** — бу ўзбек миллатининг тарихини сохталаштириш, турли хил ғайриилмий талқинлар, сиёсий шиорлар билан бизни тарихимиздан, шарафли ўтмишимиздан жудо қилишга уриниш тарзида намоён бўлмоқда. Хориждаги баъзи бир сиёсий арбоблар ва олимларнинг даъволарига кўра, алоҳида ўзбек деган миллат йўқ эмиш, балки умумий туркий халқ бор эмиш. Шунинг учун ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, татар, бошқирд, уйғур ва ҳоказо тушунчаларга барҳам бериш керак эмиш.

Биз бундай қарашлар билан сира келишолмаймиз. Илгари ҳам бир неча бор таъкидлаганимдек, ҳар бир халқ, жумладан, ўзбек халқининг ҳам тарихи бетакрордир. Биз жаҳон майдонида куни кеча пайдо бўлган халқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, халқимиз кўҳна Хоразм заминида «Авесто» пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади. Ўзбек миллати Ўзбекхон номидан тарқаган эмас, балки, Ўзбекхон ўзбек миллати номини ўзига исм қилиб олган бўлса, ажаб эмас.

Албатта, биз қадим тарихий илдизларимиз туркий халқлар билан бир эканини, тилимиз, динимиз, урф-одатларимиз, қадриятларимиз ва маданиятимиз муштарак бўлганини эътироф этамиз, улар билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш тарафдоримиз. Лекин **биз ўзимизни ҳамиша мустақил миллат — ўзбек халқи сифатида ҳис этиб келганмиз ва бу билан фахрланамиз.** Бунга тарихий, илмий, маданий асосларимиз бор. Бутун дунё ҳамжамияти бизнинг буюк тарихимиз ва маданиятимизни эътироф этиб, бугунги кунда бизни шу ном билан танийди ва ҳурмат қилади.

**Миллатни асраш керак, миллатни асраш учун эса унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, авайлаб ҳимоялаш керак.** Миллий ғоя ҳақида гапирганимизда ана шу жиҳатларни албатта инобатга олишимиз зарур.

Ўйлайманки, бу соҳада энг устувор вазифамиз — халқимиз орасида катта маърифий-амалий ишларни олиб бориб, миллий мафкурамизга куч-қувват берадиган, уни янги-янги марралар сари сафарбар этадиган, кенг оммага таъсир ўтказишга, халқни ўзига тарафдор этишга хизмат қиладиган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий манбаларни тўғри белгилаб олишдир.

Шу ўринда мустақиллик ва истиқлол йўлида биринчи қадам қўяётган даврда ягона оила бўлиб яшаётган кўпмиллатли халқимизнинг долзарб шиорига айланган сўзларини эслатмоқчиман. «Шу азиз ватан барчамизники, унинг фаровон келажаги ва иқболи учун яшаш, курашиш биз учун энг катта бахтдир.

Ишончим комилки, тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувликка чорлайдиган бундай шиор миллий ғоямиз асосий мезонига айланиб қолса, нафақат бугунги, балки келажак авлодларимизни ҳам асрайдиган ва барчамизнинг эзгу орзуларимизни рўёбга чиқарадиган асос бўлиб хизмат қилар эди.

Гап миллий ғоя ҳақида борар экан, ўз-ўзидан **уни демократик тамойиллар билан уйғунлаштириш** масаласи келиб чиқади. Айтиш керакки, бу

(Давоми 4-бетда)

4

# Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз

5

*(Давоми. Боши 3-бетда)*

осонгина бўладиган иш эмас, балки жуда чуқур илмий-сиёсий, назарий-амалий ёндашувни талаб қиладиган машаққатли жараёндир.

Бугунги вазифамиз ижтимоий соҳанинг етакчи олимларни, файласуфлар, сиёсатшунослар, социологлар, ҳуқуқшунослар, педагоглар, психологлар, тарихчилар, адиб ва журналистларнинг энг пешқадам вакилларини мазкур жараёнга жалб қилиш, уларнинг билим ва тажрибаларидан омилкорлик билан фойдалана билишни тақозо этади.

***САВОЛ:*** **Ҳақиқатан ҳам, истиқлол йилларида маънавий ҳаётимизнинг асосий йўналиш ва тамойиллари шаклланди. Бунда сизнинг назарий қарашларингиз, миллий қадриятларни, тарихий ва маданий меросимизни тиклаш борасидаги амалий фаолиятингиз асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шу муносабат билан янги асрда маънавият соҳасидаги бош ғоямиз нимадан иборат бўлиши лозимлиги хусусида Сизнинг фикрингизни билмоқчи эдик.**

***ЖАВОБ:*** Маънавият — узлуксиз ҳаракатдаги жараёндир,. Фикр, тафаккур, ҳис-туйғу тиним билмаганидек, уларнинг маҳсули ўлароқ маънавият ҳам доим ўзгариш ва янгиланишда бўлади. **Маънавият деганда авваламбор одамни руҳан покланишга, қалбан улғайишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган кучни тасаввур қиламан.**

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун бизнинг, айтайлик, 1991 йилдаги маънавий савиямиз билан халқимизнинг ҳозирги руҳий ҳолати ўртасидаги фарқни қиёслаб кўриш кифоя, деб ўйлайман. Албатта, маънавиятнинг тош-тарозиси, ўлчовини топиш қийин. Фалсафий нуқтаи назардан қараганда шундай. Лекин амалий нуқтаи назардан ёндошганда, ҳаётдаги, жамият онгидаги ўзгаришларга нисбатан баҳо берганда, унинг муайян мезонларини ифода этиш мумкин. Масалан, мустақиллик маънавиятини, унинг бугунги даражасини кўпчилигимизнинг кўнглимиздан ўтадиган «Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» деган савол билан белгилаш мумкин эмасми?

Бевосита сизнинг саволингизга келадиган бўлсак, унга жавоб бериш, маънавиятимизнинг келгуси асрдаги шакл-шамойили, мазмун-моҳияти, таянч нуқталари ва тараққиёт уфқларини белгилаш, унинг тамойилларини ишлаб чиқиш, айтиб ўтганимдек, аввало жамиятшунос олимлар, барча зиёлиларимизнинг вазифасидир.

Шахсан менинг бу борадаги қарашларим қуйидагича: модомики биз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қураётган эканмиз, маънавият соҳасидаги йигирма биринчи асрга мўлжалланган ҳаракат дастуримиз ҳам ана шундан келиб чиқмоғи даркор. Яъни **эркин фуқаро — онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур.**

Биз шу пайтгача маънавият борасидаги ишларимизни одамларнинг тафаккурини эски тузум сарқитларидан халос этишга, ватандошларимиз қалбига миллий мустақиллик ғояларини сингдиришга қаратдик. Бу борада муайян натижаларга ҳам эришдик. Лекин бу орттирган тажрибамиз эркин демократик жамият қуриш йўлидаги илк қадамлардир. Чунки биз кўп йиллар давомида шаклан озод, моҳиятан эса қуллик ҳолатида яшаб келган эдик. Афсуски, узоқ давом этган бу зулмнинг асоратлари ҳали-ҳануз тўла барҳам топгани йўқ. Айниқса, бу иллат бизнинг онгу тафаккуримизда чуқур ўрнашган бўлиб, ундан фориғ бўлиш осон кечмаяпти.

Ҳуқуқий жаҳолат, ҳуқуқий саводсизлик, маъмурий-ҳуқуқий органларнинг қонунсиз зўравонлиги, ўтмишимизда рўй берган қатағонларнинг мудҳиш таъсири кўркинчли туш каби ҳамон хотирамиздан ўчмай келади.

Шу боис энди олдимизда ниҳоятда муҳим, келажагимизни ҳал қилувчи янги вазифа турибди. Бу вазифа эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда, **озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни** тарбиялашдан иборатдир. Мен мана шундай инсонлар ҳақида ўйлар эканман, дунёқараши мустақиллик йилларида шаклланган ёшларимизда келажак маънавиятининг умидбахш куртакларини кўргандек бўламан. Ва уларнинг келажагига катта ишонч ва завқ билан қарайман.

Эркин фуқаролик жамиятига дунёдаги кўп-кўп давлатлар асрлар давомида тўпланган тажриба ва демократик анъаналарни ривожлантира бориб етиб келган. Биз бундай жамиятни қуришни, барпо этишни орзу қилмоқдамиз ва шунга интилмоқдамиз. Лекин бу гўзал орзуга эришмоқ учун тинимсиз интилиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини такомиллаштириш, **умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиб, ўз замонамизга татбиқ этиш лозим. Шу билан бирга миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, ҳамиша иймон-эътиқод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни ҳам сақлаб, юксалтириб боришимиз зарур.**

Бугун жамиятимиз олдида турган бу улуғвор ва мураккаб вазифаларни ҳал қилиш энг аввало таълим-тарбия, маърифат масаласига бориб тақалади. Бу масалага кенг жамоатчилик диққатини жалб этиш керак. Матбуот орқали, телевидение орқали одамларда маърифатпарварлик ғояларини тарбиялаш, мактаб-маориф тармоқларига ҳомийлик, саховатпешалик, савобталаблик каби эзгу хусусиятларни кучайтириш зарур.

Асримиз бошларида жадидларнинг ўз ҳисобидан мактаблар, кутубхоналар, қироатхоналар, театрлар, рўзномалар ташкил этганликларини, дарсликлар, қўлланмалар нашр қилганликларини, уларни Туркистон болаларига бепул тарқатганликларини бир эслайлик. Наҳотки бугун юртимизда ана шундай саховат булоқлари қуриб қолган бўлса! Ишончим комилки, бундай фидойи, сахий инсонлар диёримизда кўплаб топилади. Фақат уларга бош-қош бўлиш, интилишларини қўллаб-қувватлаш, маънавий жиҳатдан рағбатлантириш керак. Ахир тўкиб-сочиб қилинаётган тўртта тўй ўрнига битта мактаб қурса бўлади-ку! Ахир шу мактабда бегона эмас, ўзимизнинг фарзандларимиз, эртага сизу бизнинг ўрнимизга келадиган, чироғимизни ёқадиган, шу ватанга эгалик қиладиган ўғил-қизларимиз ўқийди-ку!

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, эркин фуқаролик маънавиятининг асоси бўлмиш маърифат масаласи доимий эътиборимизда бўлиши шарт.

Маънавият соҳасида янги асрга мўлжалланган асосий йўналишни аниқлаб, ўзимизга режа қилиб белгилаб олар эканмиз бир нарсага алоҳида аҳамият бериш керак: бу мақсад ва ғоялар халқ онгига сингадими, жамоатчилик уларни қўллаб-қувватлайдими ёки йўқми — ҳамма гап мана шунда. Бу фикрлар фақатгина ғоя ҳолида қоғозда қолиб кетмаслиги, қуруқ гап, қуруқ шиор бўлиб қолмаслиги лозим. Уларни амалга ошириш учун бизга жонкуяр, бева-бечорага ачинадиган, ўз ризқини муҳтож кимса билан баҳам кўришга қодир, ҳақиқат ва халқ манфаати йўлида курашларга ҳамиша тайёр, мард, фидокор инсонлар керак.

Бундай хусусиятлар эса, ота-боболаримиз тажрибасидан маълумки, жамоа, жумладан, маҳалла шароитида шаклланади. Маҳалла, таъбир жоиз бўлса, кишилик жамиятида алоҳида тарбиявий аҳамиятга молик бўлган ўзига хос маскандир, дейиш мумкин. Бу ноёб тажриба — аҳолининг маҳалла бўлиб яшаш тарзи жаҳоннинг бошқа мамлакатларида кам учрайди. Шунинг учун ҳам инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялайдиган бирламчи ва беқиёс макон — бу маҳалладир.

Узоққа бормай, кундалик ҳаётимизга назар ташлайлик. Кўпқаватли уйларда турувчиларнинг аксарияти одатда темир эшиклар ортида яшайди. Эшикка қулф устига қулф уришларини айтмайсизми! Бундай жойларда қўни-қўшничилик, яхши кунда шерик,

6

ёмон кунда ҳамдард бўлиш ҳам ўзига яраша. Оддий йўлакни супуриб-сидириш ҳам сансалорликка олиб келади.

Маҳалла эса бутунлай бошқа бир олам. Маҳаллада эшигига тўрттала қулф осиб олган кишига одамлар қандай қарайди? Бундай кимса ўз-ўзидан жамоатдан ажраб қолмайдими? Ёки кўча эшигининг олди супурилмаган уйга совчи қадам босадими? Демоқчиманки, ўзбек фарзанди дастлабки жамият тарбиясини айнан маҳаллада олади. Унинг тафаккури кўпчилик ичида, қўни-қўшниларнинг яхши-ёмон кунларида бирга бўлиш орқали шаклланади. Ўзидан катталарнинг муомаласи, юриш-туриши, одоб-ахлоқи, ўзаро оқибатига қараб ҳаракат қилабошлайди. Маҳаллаларимизда тонг саҳардан кўчаларга сув сепилиши, таниш-танимаслигидан қатъи назар, одамларнинг бир-бирига эзгу тилак билан салом бериши, оқсоқолларнинг ёшлар умрига барака тилаб дуо қилишининг ўзи катта тарбия мактабидир.

Энг муҳими, кўпчилик ичида яшаш инсондан нафсини тийишни, атрофдагиларнинг ўзи ҳақидаги фикри билан ҳисоблашиб умр кечиришни талаб этади. **Аслида инсон эҳтиёжлари чексиз бўлиб, унга доимо нимадир етишмайди. Лекин ҳар бир одам нафс балосидан жудо бўлишга интилмоғи керак. Чунки, ҳамма кулфат ана шу нафс балосидан келиб чиқади.** Уни енгишга инсоннинг кучи, иродаси етадими? Бу саволга ҳам жавобни биз маънавиятдан излашимиз керак.

***САВОЛ:*** **Сиз бундан уч йил муқаддам 9 май — Ғалаба байрамини Хотира куни сифатида нишонлаш ташаббуси билан чиққан эдингиз. Сизнинг таклифингиз билан бу кун бундан буён Хотира ва қадрлаш куни деб аталадиган бўлди. Бу ҳаракат жамиятимизни фикрий бўлинишга олиб келмасмикан? Ахир, уруш қатнашчилари орасида ҳамон совет орденларини тақиб, фалон тепалик учун қон тўкканман, деб юрганлар ҳам йўқ эмас-ку?**

***ЖАВОБ:*** Албатта, бундай одамлар бор. Лекин ишончим комилки, бу одамлар сиз айтгандек, қандайдир номсиз тепаликлар, бегона мамлакатлар учун номаълум солдат бўлиб жанг қилмаганлар. Улар қайси жангоҳда бўлмасин, ўз она юрти, туғилиб ўсган қишлоғи, муштипар онаси, суюкли ёри, фарзандларининг қадрдон сиймоси доимо юрагида, фикру хаёлида турган. Жангу жадал майдонларида Сталин учун ёки қандайдир мавҳум улуғ ғоя учун эмас, шулар учун жон берган. Яъниким, улар олис Европада туриб ўз юртини, жонажон Ўзбекистонини фашизм балосидан ҳимоя қилган. Бу ҳақиқатни мен такрор-такрор айтганман ва у халқимиз томонидан эътироф этилган. Ўйлайманки, бу масалада сиз айтган хавотирга ўрин йўқ.

Аслини олганда, маънавият ва тарихий хотира тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқдир. Марҳумлар хотирасини эслаш, эъзозлаш — савоб иш. Шунинг учун ҳам биз

7

кенг жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши билан Номаълум солдат майдонини Хотира майдони деб аташга аҳд қилдик.

Бўлғуси Хотира майдонига қадам босадиган одамларнинг кўнглидан қандай ҳис-туйғулар кечади — билмайман, лекин шу нарсага ишончим комилки, бу ерга келадиган ҳар бир инсон, ёшу қари ватандошимиз Иккинчи жаҳон уруши ва кейинги урушларда юртимиздан иштирок этиб қурбон бўлганларнинг қадр-қиммати ҳақида беихтиёр ўйга толади, уларни ёдга олади, хотираси олдида бош эгади, орамизда ҳали ҳаёт юрган собиқ жангчиларни кўпроқ иззат-икром қиладиган бўлади. **Бу жой, шубҳасиз, ўзига хос гўзал зиёратгоҳ ва тарбия маскани бўлиб қолади.** Бу муқаддас қадамжо фақат урушда шаҳид кетганларнигина эмас, балки халқимизнинг эрки ва озодлиги йўлида жонини тиккан Қодирий, Беҳбудий, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир сингари минглаб миллатимиз фидойиларининг хотираси учун ҳам тикланган обида бўлади.

Марҳумлар руҳига бағишлаб тиловат қилиш, улар хотирасини, арвоҳларини яхшилик билан тилга олиш энг яхши урф-одатларимиздан биридир. Ўйлайманки, Хотира майдонига қадам қўйган, уни зиёрат қилган ҳар бир инсон хаёлида айни шу олижаноб одатимиз жонланади. Ҳеч қандай сўз билан ифода этиб бўлмайдиган, фақат ҳис-туйғу билан идрок этиш мумкин бўлган аллақандай илоҳий ва муқаддас ҳолат унинг бутун вужудини қамраб олади. Хотира майдони чинакам муқаддас қадамжога айланиб қолишига ишонаман.

Энг муҳими, бу майдон халқимизни тарихий хотира воситасида бирлаштиришга хизмат қилади. Чунки қаттол замон тақозоси билан халқимиз ўз даврида, бири «қизил аскар», бири «босмачи», бири «қулоқ», бири «комиссар», яна бири «муштумзўр», яна қай бири «йўқсил» деб гуруҳларга ажратиб ташланган эди. Шўро ҳукумати «бўлиб ташлаб ҳукмронлик қилиш» учун энг маккор усулларни ишга солган, бир миллат вакилларини бир-бирига қарши қайраб, адоват ва низо уруғини сочган. Лекин аслида уларнинг барчаси битта халқ фарзандлари, бир миллат вакиллари эди. Энди орадан шунча йиллар ўтиб кетгач, биз учун на босмачи, на қизил аскар бор.

Шу боис бугун биз ота-боболаримизга ана шундай сунъий ранглар билан ажратиб баҳо бермаслигимиз, балки уларнинг ҳаётини, улар яшаган даврнинг моҳиятини тўғри тушунишга ҳаракат қилишимиз лозим. Майли, эҳтимол уларнинг орасида адашганлари, ўз халқининг миллий манфаатларига қарши борганлари ҳам бўлгандир. Балки ўша одамлар бугун қилмишига пушаймондир, руҳий азоб тортаётгандир. Бу ҳақда ўйлаш, жавоб бериш — аввало уларнинг ўз виждонига ҳавола. **Қолаверса, дунёда Оллоҳ ҳукми борлигини, у ҳамиша барқарор эканини эсдан чиқармаслигимиз лозим.**

Бу гапларни айтишдан мақсад шуки, ҳозирги мураккаб, қалтис паллада эски гина-кудуратларни қўзғаб, тарафма-тараф пароканда бўлиб кетиш халқимиз учун асло йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир. **Миллий ғоя миллатни, халқни бирлаштиришга қаратилиши керак.** Миллатни бўлиб ташлашга асос бўладиган ғоя бузғунчи ғоядир.

Биз ўтмишимизнинг мана шундай аянчли, фожиали саҳифаларини чуқур таҳлил қилиб, ҳаққоний хулоса ва сабоқлар чиқаришимиз керак. Миллий ғурур тарбияси, ягона халқ туйғусини ёшлар онгига сингдириш соҳасида ҳар куни эринмасдан тинимсиз иш олиб боришимиз, бу йўлда энг таъсирчан самарали воситалардан фойдаланишимиз шарт.

Биз 90-йилларнинг бошидаёқ, яъни озодлигимизнинг дастлабки кунлариданоқ бу борада изчил ва қатъий сиёсат олиб бордик. Одамларни «сен — коммунист», «сен — диндор» деб гуруҳларга ажратмадик, жамиятимизнинг пароканда бўлиб кетишига йўл қўймадик. Бугунги жараёнлар ўша тадрижий, эволюцион сиёсат натижаси, унинг мантиқий давоми ва ривожидир.

Шу муносабат билан яқин ўтмишимизга баҳо берганда, ўша давр тарихига, бўлиб ўтган воқеаларга ва ўша даврнинг «улкан арбоблари»га ва «моҳир ташкилотчилари»га нисбатан муносабат билдирганда бор ҳақиқатни очиқ акс эттириш керак, деб ўйлайман.

Бу нарса ўша одамларни бадном қилиш, улардан ўч олиш ёки бошқа мақсадлар учун эмас, аксинча, шу йўл билан авваламбор ёшларимиз тарбиясига ижобий таъсир ўтказиш, ҳаётимиз тарихида ҳақиқатни қарор топтиришга хизмат қилади.

Шуни яна бир бор таъкидлашни истардимки, жамиятни доимий ҳаракатга келтириб турадиган куч — миллий ғоя, миллий манфаатга хизмат қиладиган қадриятларни, илғор демократик қоида ва тушунчаларни аниқ-равшан тасаввур этиш, уларни ўрганиш, борини асраб-авайлаш, йўғини шакллантириш, бойитиш, ривожлантириш, халқни, аввало ўсиб келаётган ёш авлодимизни ана шу билим ва кўникмалар билан тарбиялаш — маънавият соҳасидаги энг асосий вазифамиз бўлиши лозим. **Амир Темур бобомизнинг таъбири билан айтганда, халқимиз, миллатимизнинг дардларига дармон бўлмоқ барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.**

***САВОЛ:*** **Муҳтарам Президент, бу йил Ўзбекистон халқи ҳаётида сайловлар йили сифатида муҳим босқич бўлади. Сиз бўлғуси сайловлар ва уларнинг жамиятимизда рўй бераётган ижтимоий жараёнларга таъсири ҳақида қандай фикрдасиз?**

***ЖАВОБ:*** Аввало, бўлажак сайловлар барчамиз учун катта синов бўлишини айтиб ўтмоқчиман. Сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамиятда хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлар айниқса яққол намоён бўлади. Шу билан бирга, ҳар қандай сиёсий ҳаракатлар ва кучлар сайловга тайёргарлик кўриши, ўз платформаларини аниқ белгилаб олиши — буларнинг барчаси табиий ҳол. Бусиз ўзи ҳаёт, тараққиёт бўлмайди.

Бундай ҳолатлар доимо бўлган, лекин бугун демократик тамойиллар ва қадриятлар жамоатчилик онгида қарор топаётган, эркин тафаккур, фикрлар хилма-хиллиги учун шароит шаклланиб бораётган бир пайтда бу масала бўйича очиқ гапириш, унга одамларнинг ўз муносабатини ошкора билдириши алоҳида аҳамият касб этади.

Бизнинг демократик давлат қуриш, фуқаролик жамияти барпо этиш каби олижаноб мақсадларимиз ҳам шунга ундайди. Биз шу эзгу мақсадлар сари интилаётган эканмиз, ҳаётимизда демократик тамойиллар чуқур илдиз отишини истар эканмиз, демократиянинг бош талаби бўлмиш эркин сайловлар масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Ҳуқуқий фуқаролик жамиятида сайлов тизими муҳим аҳамиятга эга эканини жаҳон тажрибаси кўрсатиб турибди. Шу жиҳатдан қараганда, биз бу борадаги қонунчилигимизни муттасил равишда замон талабига мос ҳолда такомиллаштириб бормоқдамиз.

Ишончим комилки, бу борада амалга ошираётган ишларимиз, мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий асослар демократик сайловлар жараёнида ҳар бир фуқаронинг ўз сайлов ҳуқуқини ҳеч қандай монеликсиз рўёбга чиқариши, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода эта олиши учун имконият беради. Бир қарашда бу осонгина кечадиган жараёнга ўхшайди, лекин унинг ўзига хос нозик жиҳатлари, мураккабликлари борки, бу ҳақда муфассалроқ тўхталиш лозим деб, ўйлайман.

Бизда эркин сайловлар ўтказиш бўйича муайян тажриба тўпланган бўлса-да,у ҳали етарли даражада эмас. Чунки ривожланган давлатлар бир неча юз йиллик сайлов тажрибасига, уни амалга ошириш механизмларига эга. Демакки, биз жаҳон сайлов тажрибасини янада пухта ўрганишимиз,ўз қонунларимизнинг моҳиятига теран кириб боришимиз тақозо этилади.

Шуни унутмаслик керакки, бўлғуси сайловлар кўппартиявийлик асосида ўтказилади. Кураш қизғин бўлади. Шундай экан, ҳар бир сайловчи ўзи учун, ўз хоҳиш-иродасига қараб овоз бериши шарт эканлигини унинг онгига сингдириш лозим.

Ҳар қандай партия агар ўзини сиёсий партия деб ҳисобласа, авваламбор аниқ ғояга эга бўлиш билан бирга нимагадир ёки кимгадир мухолиф бўлиши зарур. Мана шундай ҳолат ва мана шундай ёндашиш партиянинг тарафдори ва унга ишонган, инонган одамлар ҳамда жамоага аниқ-равшан маълум бўлиши даркор. Содда қилиб айтганда, партия тарафдорлари нима учун курашаётганини ва нималарга қарши чиқаётганини яхши билишлари, аниқ ёндошув ва позицияларга эга бўлишлари керак.

Шунинг учун ҳам ҳар қандай сиёсий партия сайлов натижасида муваффақиятга эришмоқчи бўлса, авваламбор олиб борилаётган сиёсатга, ҳаётимизга танқидий кўз билан қараши, ижтимоий воқеликни ҳар томонлама таҳлил қилиб, керакли, вазмин мулоҳазалар, пухта ўйланган хулосалар билдириши керак. Уларни асослаш, кенг жамоатчиликни ўз фикрига тарафдор этиш, миллий манфаатларимизга хизмат қиладиган ғояларнинг амалий кучга айланиши учун кураш олиб бориш даркор деб ўйлайман.

Бугун Ўзбекистондаги ҳар бир виждонли инсоннинг муқаддас бурчи **мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва уни ҳимоя қилишдир.** Бир пайтлар оташин шоиримиз Чўлпон «Юринг дўстлар, халқ ичига борайлик!» деб хитоб қилган эди. Бугун ҳар қандай сиёсий партия номига эмас, балки чинакам фаолият кўрсатишни истаса, бўлғуси сайловларда ўз тарафдорларини кўпайтириб, жамиятда етакчи мавқени қўлга киритмоқчи бўлса, агар унинг аъзолари ўзини шу азиз Ватаннинг асл фарзандлари деб билса, халқ ичига бориши, жамиятимизнинг турли қатламлари орасида истиқлолни мустаҳкамлаш, уни бало-қазолардан, ёвуз назарлардан, ёмон кўзлардан сақлаш учун кечаю-кундуз тиним билмай ишлаши керак.

Албатта, бу йилги сайловлар жаҳон жамоатчилигининг, халқаро ташкилотларнинг синчков нигоҳи остида ўтади. Бу сайловларимизнинг холис, ошкора ва демократик руҳда ўтишига кўмаклашади.

Бизнинг мақсадимиз — сайловларни ўз Конституциямиз ва қонунларимиз, шу билан бирга халқаро демократик қонун-қоидалар андозалари асосида ва уларга тўла риоя қилиш заминида ўтказишдир. Умумэътироф этилган халқаро меъёрлар, илғор демократик давлатларнинг ижобий тажрибасини қўллаш мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори юксалишига хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, бўлажак сайловларни демократия нуқтаи назаридан, келажагимиз нуқтаи назаридан, Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини кўтариш мезонидан келиб чиққан ҳолда ўтказиш керак.

8

# Бўёқларга кўчган афсоналар

*Санъат олами*

«Қадимда бир ҳовлида икки аёл бўлиб, иккаласининг ҳам бир вақтда кўзи ёрибди. Аммо бир аёлдан ўлик бола туғилибди. Тақдир қисматига чидай олмаган аёл ўртоғининг боласини ўғирлаб олади. Аммо гўдак бегона она кўкрагини олмайди. Ўз онасининг кўксига эса ҳадеб талпинаверибди. Она барибир онада, унинг қалби ўз фарзандини танибди. Лекин болани қайтиб олишнинг иложи бўлмабди. Шундан сўнг шоҳ Сулаймон олдига бориб, «Сиз ҳукм қилинг» деб арз қилишибди. Шоҳ Сулаймон буларни муросага келтиролмаслигини билиб, жаллодга бола танасини иккига бўлиб, икки онага беришни буюрибди. Шунда боланинг ҳақиқий онаси дод-фарёд солиб, шоҳга шундай дебди: «Эй, улуғ Сулаймон, ҳаргиз боламни иккига бўлмагин. Майли мен ундан кечдим. Бола бу аёлники бўла қолсин».

Шунда Сулаймон билибдики, боланинг ҳақиқий онаси шу аёл экан. Болани ўз онасига бериб, туҳматчи аёлга кераклича жазо буюрибди».

Биз бу ривоятни жуда кўп ва хўп эшитганмиз. Ҳатто ўзимизча маълум тасаввурга ҳам эгамиз. Таниқли рассом Вячеслав Петрович Шевченконинг ижодий кўргазмасини кузатар эканмиз, унинг 1998 йилда қоғозга туширилган «Сулаймоннинг қарори» деб номланган қалб маҳсулида худди шу ривоятнинг юксак даражада тасвирланганининг гувоҳи бўлдик. Ижодкор учун энг катта ютуқ унинг етук ғояларини одамлар тушуна билиши, қадрлай олишидир.

— «Мен Эски Шаҳарда туғилиб, вояга етдим. Шунинг учун айта оламанки, Ўзбекистон — менинг Ватаним. Ватанимга, унинг халқига меҳрим баланд. Агар меҳрим бўлмаганда бу суратларни чиза олармидим, — дейди у. Дарҳақиқат, «Чимёнда қиш», «Хумсон тонги», «Ёз», «Чимёнда баҳор», «Искандаркўл», «Дала ҳовлида куз», «Дам олиш уйида оқшом» каби тасвирларида юртимизнинг гўзал табиати, унинг жозибадор манзараси меҳр билан ифодаланган.

Шевченконинг «Шер билан олишаётган Самсон», «Давид ва Голиаф», «Муқаддас Пётрнинг қутқарилиши», «Момо Ҳавонинг яратилиши» каби асарлари ҳам ўзида қадимий ривоятларни акс эттиргани билан ноёбдир. В. Н. Шевченконинг шогирдлари нафақат Ўзбекистон, балки Англия, Голландия, Нью-Йорк, Канада сингари чет давлатларда ҳам ижодларини давом эттиришаяпти. Биз рассомдан келажакдаги нияти ҳақида сўраганимизда у шундай жавоб берди: «Мен бундан кейин ҳам чизаман, она заминим, халқимиз учун албатта чизаман».

*Гўзал НОРЧАЕВА,*
*Шоира ТЎХТАБОЕВА*

## Огаҳий шеъриятининг жаранги

**Куни кеча Наманган Давлат университетида Огаҳий таваллудининг 190 йиллигига бағишланган огаҳийхонлик кечаси бўлиб ўтди. Республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси Наманган вилоят бўлими ва университет ўзбек адабиёти кафедраси ҳамкорлигида ўтказилган ғазалхонлик анжуманида ўқитувчи-профессорлар, талабалар, шеърият ихлосмандлари иштирок этишди. Адабиётшунос олимлардан Фаридахон Каримова, Салоҳиддин Жамоловлар шоир ижоди ва юбилей тадбирларини ўтказиш хусусида гапирдилар. Талабалар шоир ғазалларидан намуналар ўқишди.**

**Кеча сўнгида «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси вилоят бўлими бошқаруви раиси Абдулвоҳид Раҳмонов сўзга чиқиб, уюшма вилоят бўлими, университет ўзбек адабиёти кафедраси томонидан чоп этилаётган «Ўзбек адабиёти масалалари» илмий мақолалар тўпламига ҳомийлик қилишини таъкидлаб ўтди.**

*Раҳимахон РАСУЛОВА*

# Осойишталик ўлкаси

Ҳар бир халқ, ҳар бир давлат ҳаётида унутилмас воқеа ва саналар бўлади. Халқ озод, мамлакат мустақил бўлган кунлар шуларнинг энг муҳимидир. Саудия Арабистони тарихи ҳам бундан истисно эмас. Зеро, бу мамлакат аҳли шу кунларда подшоҳ Абдулазиз ибн Абдурраҳмон Ал-Файсал Ол Саъуд (Аллоҳ у зотни ўз раҳматига олиб, жаннатига дохил этсин) ҳижрий 1319 йил 5 шувол (январь)да Ар-Рияд шаҳрини фатҳ этиб Саудия Арабистони мамлакатига таъмал тошини қўйганининг 100 йиллигини зўр фахр ва ифтихор билан нишонламоқда.

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, бундан бир аср олдин Арабистон ярим ороли аҳолиси ўта тарқоқ, пароканда, ҳар бир қабила ўз ҳолича ҳаёт кечирар эди. Чет эллик босқинчиларга бу жуда қўл келар, улар турли йўллар билан халқни эзар, юрт бойликларини талар эдилар. Шундай бир вазиятда ўз халқи ва юрти келажаги ҳақида қайғурган Абдулазиз Ол Саъуд ўткир зеҳни, тафаккури билан Ислом шариатини дастуриламал қилган ҳолда ўзаро хусуматдаги қабилалар ҳамда тарқоқ юртни ягона давлатга, ягона раҳбарлик остига бирлаштиришга, мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатишга муваффақ бўлди. Бугунга келиб бу давлат нафақат араб мамлакатлари орасида, балки дунё ҳамжамиятида ҳам ўз ривожи, қўлга киритаётган ютуқлари билан обрў-эътибор қозониб келмоқда. Бунда подшоҳ Абдулазиз бин Абдурраҳмон Ол Саъуд (Аллоҳ у зотнинг қабрларини мунаввар қилсин) меҳнатлари беқиёсдир. Зеро, кўплаб тарихчи ва сиёсатшуносларнинг таъкидлашича, подшоҳ Абдулазиз ҳазрати олийлари (Аллоҳ у зотни раҳмат қилсин) XIX асрда яшаб ўтган доно, зукко, ҳикмат билан иш кўрувчи йирик намояндалардан бири ҳисобланади. Иймон-эътиқоди кучли, Қуръони карим, суннати набавия, шариати исломия асосларига суянган ҳолда, ўз халқи ва юртининг порлоқ келажаги йўлида ярим асрча умрини, ақл-заковати, бор билим тажрибасини аямаган бу зотнинг инсоний фазилатлари ҳам анчагина эди.

Подшоҳ Абдулазизнинг фарзандлари Саъуд, Файсал ва Холидлар ҳам (Аллоҳ у зотларни ўз раҳматига олсин) оталарининг замонавий, ривожланган давлат қуриш, юртда тинчлик ва осойишталик, барқарорлигини таъминлаш, ўзга давлатлар билан яхши қўшничилик, ўзаро манфаатли, ўзаро ҳурмат асосига қурилган алоқалар ўрнатиш, мавжуд алоқаларни иложи борича мустаҳкамлаш йўлини давом эттирди.

Ҳозирга келиб Саудия Арабистони подшоҳлиги икки муқаддас қадамжо ходими, подшоҳ Фаҳд ибн Абдулазиз Ол Сауд ҳазрати олийлари (Аллоҳ у зотнинг умрларини узоқ қилсин) раҳбарлигида ҳамма соҳаларда ривож топмоқда, саноати, қишлоқ хўжалиги, маданияти, илм-фани гуркираб юксалмоқда, мамлакат дунёдаги энг тараққий этган давлатлар қаторидан жой олмоқда, унинг бошқа давлатлар билан алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда. Боз устига, унинг ўзга юртлар муаммосига бефарқ қарамаслиги, уларнинг ҳал бўлишига салмоқли ҳисса қўшиши ҳам бу ўлка нуфузининг янада ошишини таъминламоқда. Мисол учун Фаластин халқининг босиб олинган ерларини қайтариб олиб ўз давлатини барпо этиш, ўзгалар қатори тинч тараққиёт сари одимлашига ҳамиша хайрихоҳ бўлиб келгани ва бугун ҳам бу халқ манфаатларини ҳимоя қилиб келаётганини кўрсатиб ўтиш мумкин. Икки муқаддас қадамжо ходими, подшоҳ Фаҳд ибн Абдулазиз даврида Маккаи муккарама ва Мадинаи мунаввара икки ҳарам — Каъбатуллоҳ ва Масжиди Набавий мислсиз даражада эътибор топди, таъмирланиб кенгайтирилди. Унда дунёнинг турли бурчакларидан, шу жумладан, мустақил Ўзбекистондан Ҳаж ва Умра ибодатига келган мўмин-мусулмонларга керакли барча шароитлар муҳайё этилди. Бу қадамжоларга чексиз диққат ва эътибор, Фахр ибн Абдулазиз нима учун ўзини подшоҳ дейишларидан кўра «икки муқаддас қадамжо ходими» дейишларини афзал кўриши сабабини очиқ, рўйи рост кўрсатади.

*Маан Ёсин Абу ШИҲАДА,*
*журналист*


# Азиз юртдошлар!

**Энг универсал банк ҳисобланмиш Ўзбекистон акционерлик-тижорат саноат қурилиш банки «Аёллар» йили муносабати билан Сиз азизларга 1999 йилнинг 1 февралидан бошлаб янги омонат турларини таклиф этади.**

— Муддати 6 ой бўлган «Она меҳри» номли омонат. Бошланғич омонат миқдори 5000 сўм. Омонатга ойига 25% даромад ҳисобланиб, омонат қолдиғига қўшиб борилади. Мижозлар ҳар ойда ҳисобланаётган даромаддан фойдаланишлари мумкин.

— Бир йил муддатга «Бегойим» номли омонат. Қўйилманинг энг кам миқдори 10000 сўм. Бу омонат бўйича мижозларга ойига 36% даромад тўланади.

— Банк сизнинг сармояларингиз ҳақидаги маълумотларни сир сақлашни ва сизнинг биринчи талабингиз билан қайтариб беришни кафолатлайди.



**Ўзбекистон саноат-қурилиш банки «Аёллар» йилида барча аёлларга ва уларнинг оилаларига тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат, шодухуррамлик, эзгу ишларига ривож, сармояларига баракот тилайди.**

Маълумотлар учун телефонлар:

133-34-45, 133-32-36, 136-75-49


*Табиат ва инсон*

## «Ибн Сино» Африкада ўсади

Табобат илмининг султони Абу Али ибн Синонинг номи яна бир жиҳати билан машҳур экан. Олимнинг «Китоб ал-ҳайвон» асарида ёзилишича, у киши ҳайвонот оламининг митти вакилларидан ҳисобланган чумолидан тортиб, баҳайбат филгача қаламга олган. Ибн Синонинг шифобахш ўсимликлар ҳақидаги фикрлари ҳам қимматлидир. Унинг «Тиб қонунлари» асари турли тилларда қарийб 40 марта қайта нашр этилган. Бойси олим табобатдан ташқари наботот илмини ҳам яхши билган, унинг номи беҳад улуғланиши ҳам шундан.

Атоқли швед табиатшунос олими Карл Линней 1735 йили ўзи кашф этган бир ўсимликка «Ибн Сино» номини берган. Бу манзарали дарахт бўлиб, тропик минтақадаги Мангро ўрмонзорларида ўсади. Ҳозир «Ибн Сино» доривор саналиб, Африкада унинг 3 та тури маълум. Шунингдек Шарқий Африка, Мадагаскар, Осиё, Австралия, Янги Зеландия каби тропик ва субтропик минтақаларда ана шундай ўсимликни учратиш мумкин. «Ибн Сино» гулдошлар оиласига мансуб бўлиб, барглари чўзиқ, тухумсимон, учли ва қалин. Гули ва меваси Ўзбекистондаги суғориладиган ерларда учрайдиган Мариям ёки тоғ мурчга ўхшаб кетади.

Немис ботаниги Гаертнер ҳам дағал канопга аллома номини берган. 1791 йилда кўрилган бу тадбир кўпчиликнинг эътиборини тортди. Гулхайридошлар оиласига доир бу ўсимлик бир йиллик бўлиб, суғориладиган ерларда бегона ўт ҳолида ўсади. Ундан аъло сифатли тола олиш мумкин. Мамлакатимизда Абу Али ибн Сино халқаро жамғармасининг тузилиши бу борада айни муддао бўлди. Ўйлаймизки, табобат илмининг султонига бўлган меҳр янада ортиб бораверади.

*Акбар АЛИЕВ*

## Аҳоли эҳтиёжи қондирилди

Жондор туманидаги «Ибн Сино» жамоа хўжалиги марказида секундига 23 литр сувни биологик усулда тозалаб берадиган иншоот фойдаланишга топширилди. Олмонияда ишлаб чиқарилган бу иншоот шарофати билан хўжаликнинг Лоло, Довча ва Бухороча каби ўнлаб қишлоқларининг аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди.

*Даврон БАҲРОНОВ*

## Яна ўн минг иш ўрни

Сирдарё вилояти иқтисодиётининг турли тармоқларида бултур 10 мингга яқин янги иш ўринлари яратилганди. Бу борадаги ишлар бу йил ҳам давом эттирилади. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, яна 10 мингга яқин иш ўрни вужудга келтирилади. «Меҳнат» бошқармаси тегишли банклар орқали 70 миллион сўмга яқин маблағ ажратишни мўлжалламоқда.

*Абдужалил УМАРОВ*


# Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

***Республика Кўчмас мулк биржаси ҳамда Кўчмас мулк ва инвестициялар Агентлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 477-сонли қароридан келиб чиқиб, автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаларини танлов савдолари орқали, хорижлик сармоядорларга эркин алмаштириладиган валютага сотишни бошлаганлигини маълум қилади.***

*Танлов савдоларига энг харидоргир, юқори даромадли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчалари қўйилмоқда:*

1. Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов туманида жойлашган 4-сонли АЁҚШ.
**Бошланғич нархи — 735,22 минг АҚШ доллари.**
2. Тошкент шаҳри, Акмал Икромов туманида жойлашган 14-сонли АЁҚШ.
**Бошланғич нархи — 185,0 минг АҚШ доллари.**
3. Андижон вилояти, Асака шаҳрида жойлашган 16-сонли АЁҚШ.
**Бошланғич нархи — 64,55 минг АҚШ доллари.**
4. Тошкент шаҳри, Чилонзор туманида жойлашган 121-сонли АЁҚШ.
**Бошланғич нархи — 488,5 минг АҚШ доллари.**
5. Тошкент шаҳри, Акмал Икромов туманида жойлашган 122-сонли АЁҚШ.
**Бошланғич нархи — 591,4 минг АҚШ доллари.**
6. Тошкент шаҳри, Юнусобод туманида жойлашган 123-сонли АЁҚШ.
**Бошланғич нархи — 778,4 минг АҚШ доллари.**
7. Тошкент шаҳри, Бектемир туманида жойлашган 124-сонли АЁҚШ.
**Бошланғич нархи — 723,3 минг АҚШ доллари.**

Мазкур автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаларига қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар ўзларини қизиқтирган барча саволлар ва танлов шартлари билан республика Биржалар марказида танишиб чиқиши мумкин.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. республика Биржалар маркази биноси, 3-қават. Республика Кўчмас мулк биржаси.**

**Телефонлар: 136-15-28, 136-15-29, 136-28-75.**
**Факс: 136-26-26, 136-06-17.**


## Нефть мустақиллиги мустаҳкамланмоқда

*Очиқ мулоқот*

***Кеча Ўзбекистон Миллий Матбуот Марказида навбатдаги очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси раҳбарияти журналистларга компания тизимида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўзлаб бердилар. Мухбиримиз ушбу матбуот анжуманида Миллий холдинг компанияси раиси Ибрат Зайнуддиновга қуйидаги саволлар билан мурожаат этди:***



**— Мамлакатимиз нефть экспорт қилувчи давлатлар қаторига қўшилди. Бу яхши, албатта. Лекин матбуот хабарларига кўра, жаҳон бозорида нефтнинг баҳоси кескин пасайиб кетяпти. Бундай шароитда нефтни экспорт қилишдан кўра ички бозорни тўлдиришга ҳаракат қилиш мақбул эмасми?**

— Ўзбекистон нефть, яъни нефть хомашёси экспорт қилмайди. Аксинча у нефтдан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар — бензин, дизел ёнилғиси ва турли мойларни сотади. Экспорт деганда шуни тушуниш керак. Дарҳақиқат, ҳозир дунё бозорида нефть маҳсулотларининг баҳоси тушиб кетаяпти. Лекин бизга у ҳозирча фойда келтирмоқда. Инвесторлардан олган маблағларни қайтаришимиз зарур. Агар экспорт қилмасак бу муаммони ҳал этишимиз қийин.

**— Ўтган йили газетамизда Қамчиқ довони орқали нефть қувури қуриш ва шу йўл билан Фарғона водийсини боғлаш таклифи баён этилган эди. Бунга «Ўзбекнефтгаз» Миллий компаниясининг ўша пайтдаги раҳбарияти негадир муносабат билдирмади. Шу таклифга сиз қандай фикр билдирасиз?**

— Бу таклифни биз ҳозир ўрганаяпмиз.

*Норбобо ШАКАРОВ,*
*«Ўзбекистон овози» мухбири*

## Ҳамроқуловлар зафари

*Спорт*

Кўз тегмасину шахматчиларимизнинг халқаро нуфузи ортиб бормоқда. Куни кеча Голландияда ўтказилган йирик халқаро турнирда ўзини кўрсатган Рустам Қосимжоновнинг ўйинларидан мухлислар мамнуният ҳосил қилишганди. Айниқса, бу йигитнинг жаҳоннинг мана-ман деган шахмат сардори — жаҳон чемпиони Гарри Каспаров билан дона суришгани таҳсинга лойиқ бўлди. Шу воқеалар асносида Москвадан ҳам хушхабар келди. Бу ерда болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда йилдан-йилга танилиб бораётган Ҳамроқуловлар оиласининг зурриёдлари ўз маҳоратларини намойиш этишди. Самарқандлик жаҳон чемпиони Иброҳим Ҳамроқулов 9 имкониятдан 6,5 очко тўплаб, биринчи ўринни эгаллади. Унинг укаси Жўрабек эса 6 та очко билан иккинчи бўлди. Яна бир вакилимиз, Осиё чемпиони Антон Филипов тўртинчи ўрин билан қаноатланди. Айни кунларда Москвада яна бир йирик халқаро турнир бошланган. Икки юз нафар шахматчи иштирок этаётган бу мусобақада ҳам Иброҳим дадил дона сурмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши жамоаси вилоят касаба уюшмалари кенгашининг раиси Муҳайё Тўлагановага волидаи муҳтарамаси **МУХАРРАМ АЯ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат юридик институти ҳузуридаги Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказининг Навоий вилояти минтақавий бўлим бошлиғи Абдуллаев Насрулло Садиевичга унинг рафиқаси **Зилола Файзуллаевна ОРИПОВА**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марказ ходимлари чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси шахсий таркиби Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи милиция полковниги Р. М. Тўлагановга волидаи муҳтарамаси **МУХАРРАМ АЯ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Тошкент Кимё-технология институти раҳбарияти ва жамоаси институтнинг ўқув-услубий бўлими бошлиғи, техника фанлари доктори Мастура Искандарованинг умр йўлдоши **Бахтиёр ОТАБОЕВ**нинг вафот этганлиги туфайли марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

